

<p>Энг кичик пенсия ёши - Ўзбекистонда <b>4</b></p>	<p>Чакана хизматлар ривожига - халқ розилигининг асосидир <b>6</b></p>	<p>Марказий банк ходимлари тадбиркорлар фаолиятини текширишга жалб этилмайди <b>8</b></p>	<p>АҚШ доллари ҳақида нималарни биласиз? <b>11</b></p>
---	--	---	--

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 44 (1223) 2019 йил 14 ноябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда ISSN 2010-6602 @bank\_axborotnomasi Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг

Кейинги йилларда дунё молиявий тармоғида консултантлик вазифасини бажарувчи Халқаро валюта жамғармаси билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам алоқалар шаклланиб бормоқда. Хусусан, уч йилдан бўён Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари мамлакатимизда жаҳон иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг истиқболларига оид таҳлилий маълумотлар тақдимотини ўтказиши ҳам ана шундан дарак беради.

Жорий йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ана шу анъана яна давом этди. Унда Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари, Марказий банк ҳамда турли молия муассаса вакиллари иштирок этди. Анжумани Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Норкулов очиб берди. Шундан сўнг Халқаро валюта

## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА



жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти директор ўринбосари Юха Кяхконен "Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий истиқболлари" тўғрисида чиқиш қилди.

Маълумки, шу йилнинг октябрь ойида Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодиёти ривожланиши бўйича ўзининг маъ-

рузасини эълон қилган эди. Унда кейинги йилларда дунёда иқтисодий ўсиш прогнозлари ҳамда ҳамда унинг ўсиш ва пасайиш омиллари хусусида аниқ таҳлилий маълумотларни келтирган эди.

Халқаро эксперт ўз чиқишида ана шу маълумотларни ҳам қайд этиб ўтаркан, кейинги йилларда глобал иқтисодий ўсиш па-

сайиши кутилаётганлиги ҳақида таъкидлади. Шунингдек, унинг ички ва ташқи рискларни шаклланиши, келгусида глобал иқтисодий ўсиш тўғрисидаги маълумотлари ҳар бир иштирокчида катта қизиқиш уйғотди.

Қолаверса, мутахассис Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг ривожланиш истиқболлари ва бу давлатларда кел-

гуси иқтисодиётнинг ривожига учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий ислохотлари хусусида ўз фикрларини билдириб, 2019-2022 йилларда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари учун асосий ҳудудий иқтисодий истиқболлар ва рисклар тўғрисида маълумот берди.

(Давоми 2-саҳифада)

### ХУШХАБАР

#### "МИКРОКРЕДИТБАНК" КЎМАГИДАГИ ЯНГИ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ

Шу кунга қадар Самарқанд вилоятида «Микрокредитбанк» кўмағида 33 та мактабгача таълим муассасаси ишга тушди.



Мактабгача таълим муассасаси болани билим олишга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, мутахассислар бола тарбияси асосан 7 ёшгача бўлган даврда шаклланишини бежизга таъкидлашмайди.

(Давоми 2-саҳифада)

#### "ЎЗМИЛЛИЙБАНК" ФИЛИАЛЛАРИ БЎЛИМЛАРГА БИРЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мижозларга қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш, масофавий хизмат турларини ривожлантириш мақсадида замонавий ахборот технологиялари, дастурий таъминот ҳамда техник қурилмалардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Бунинг учун Банkning IT-платформаси янгиланиб, бўлим ва филиаллар иш жараёнларини автоматлаштириш билан енгиллаштириш ва иш ҳажмларини мақбуллаштириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Банkning иқтисодий самарадорлиги кам, операцион харажатлар миқдори кўп бўлган Шаҳрихон ва Қўрғонтепа филиалларини Андижон бўлимига, Марғилон филиалини Фарғона бўлимига, Каттакўрғон филиалини Самарқанд бўлимига, Олмалиқ ва Чирчиқ филиалларини Тошкент вилояти бўлимига ва Хива филиалини Урганч бўлимига бирлаштириш режалаштирилган.

Ушбу филиаллар жойлашган туманларда аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда 2 тадан хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилади.

Мазкур хизмат кўрсатиш марказларида банк мижозлари учун барча қулайликлар яратилган ҳолда банк хизматлари кўрсатиш давом эттирилади ҳамда аҳоли учун қулай бўлган замонавий автоматлаштирилган тўлов ускуналари банккомат, инфокиосклар ва бошқа замонавий ускуналар билан таъминланади.

Бирлаштирилаётган филиалларда ишлаб келаётган ходимлар малакасини ошириш, қайта ўқитиш ва янги чакана банк маҳсулотлари бўйича уларни ихтисослаштирган ҳолда ташкил қилинаётган марказларда иш фаолиятларини давом қилдириш ишлари амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари доирасида олиб борилади.

ЎЗА материали асосида

Яқинда мамлакатимизда бўладиган сайловга ҳаётини ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлаган барча фуқаролар қизиқаётир. Шу маънода жорий йил 12 ноябрь куни АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот маркази ҳамкорлигида "Янги сайловлар – янги Ўзбекистон" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, банк ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ЯНГИ САЙЛОВ АРАФАСИДА



Тадбирда мамлакатимиз муҳим сиёсий жараёнлар арафасида эканлиги, 22 декабрь куни парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловларда қайси соҳада фаолият юритишдан қатъи назар ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Қайд этилдики, бу йилги сайловларнинг "Янги сайловлар – янги Ўзбекистон" шиори остида ўтказилишида чуқур маъно бор. Мазкур сайловларнинг натижаси ва яқунлари янгиланаётган Ўзбекистоннинг тақдири учун жуда долзарб аҳамиятга эга.

Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида 42 та филиал мавжуд бўлиб, уларда 3 мингдан ортиқ ходим ишламоқда. Банк ходимлари ўз навбатида сайловчи ҳамдир. Шу боисдан банк раҳбарияти ходимларнинг сайловларга оид билимлари ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу кунларда банк-

нинг барча филиалларида сайлов қонунчилигига бағишланган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбирда шу кунларда давлатимиз раҳбари томонидан банк-молия соҳасини тартибга солувчи қатор қонунлар, хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар имзолангани ва бу қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат кўп жиҳатдан янгидан шаклланидиган парламент фаолиятига узвий боғлиқлиги қайд этилди. Мана шу жиҳатлар бугунги кунда банк соҳасида ишлаётган ходимларнинг яқинлашиб келаётган сайловларда янада фаол бўлишини тақозо этади.

Тадбир якунида "Қишлоқ қурилиш банк" ходимлари Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот маркази ҳисоботи билан яқиндан танишдилар.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА  
тайёрлади

## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Унда Ўзбекистонда ташқи ва ички рисклар қай даражада шаклланаётгани, хусусан мамлакатимиз ва атрофимизда ташқи савдода ҳамкор давлатларимизни иқтисодий ўсиши тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни тақдим этди. Хусусан, эксперт фикрича, 2019-2022 йилларда Кавказ ва Марказий Осиё республикаларида ўртача иқтисодий ўсиш 4 фоизлик даражада сақланиб қолиши кутилмоқда. Республикамизда эса, бу кўрсаткич 5,5-6 даражада бўлиши тахмин қилинган.

Жумладан, экспертлар мамлакатимиздаги банк тизимида кечаётган ислохотларни ҳам юқори баҳолашди.

Халқаро экспертлар Марказий Осиё давлатлари ички ва ташқи рискларнинг шаклланишига эътибор қаратиб, ташқи рисклар сифатида дунё миқёсида энергия ресурсларига бўлган талаб тушиши ҳамда нархларининг ҳам пасайиш тенденцияси, ҳар бир мамлакатнинг меҳнат ресурсларини унумдорлигини пасайиш тенденцияси, шунингдек, молиявий ва банк тизимидаги кредитларнинг ошиб кетиши каби рискларни қайд этиб ўтишди. Хусусан, ташқи шароитлар салбий шаклланиши сабабидан келгуси йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишини ички омиллар ҳисобига шаклланиши кутилмоқда.



Бу ўринда мамлакатимиз учун ташқи иқтисодий шарт-шароитда салбий ҳолатлар сақланиб қолаётганлиги ва ташқи ўзгаришларни Марказий банк ўзининг прогнозларида ҳисобга олиб келаётганлигини, шундан келиб чиқиб, келгусида ички шароитларни яхшилаш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш чораларини кўрилаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш даркор.

Анжуман сўнгида халқаро эксперт ва иштирокчилар ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

(Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумотларга кўра, юртимизда жорий йилнинг биринчи ярмида мактабгача ёшдаги болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 40,5 фоизни ташкил қилган. Мактабгача таълим муассасалари сони эса 2018 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўпайиб, 9 минг 774 тага етган. Давлат мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда, давлат шериклик асосидаги ва хусусий мактабгача таълим муассасалари сони ҳам ортиб бораётгани диққатга сазовор. Лекин бу рақамларни эҳтиёжни тўлиқ қоплайдиган даражада, дея олмаймиз. Чунки ҳали ҳам фарзандини боғчага жойлаштириш учун навбат кутаётган ота-оналар кам эмас. Шу боис сўнги пайтларда юртимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

## "МИКРОКРЕДИТБАНК" КўМАГИДАГИ ЯНГИ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ

Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги "Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 25 июндаги "Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш тўғрисида"ги қарорлари шулар жумласидандир.

Эътиборлиси, мазкур жараёнда молия муассасалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, мазкур қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда халқимиз учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Микрокре-

дитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан жорий йилнинг ўтган даврида биргина Самарқанд вилоятида МТМ бўйича 78 та лойиҳага 100 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилган. Натижада ҳозирга қадар ҳудудда 33 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, бу билан 3 мингга яқин болажонлар мактабгача таълим тизимига қамраб олинди.

– Айни пайтда бизда 160 нафар бола тарбияланмоқда, – дейди Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги "Миллат хазинаси" номли МТМ мудираси Дилфуза Маърупова. – Яқин атрофда бундай муассасалар жуда камлиги сабаб ота-оналар узоқ бўлса-да, бизга ишониб олиб келишмоқда. Муассасамизда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга

рус, инглиз, француз тиллари ўргатилади. Шунингдек, болаларга хос турли тўғарақларимиз мавжуд. Болажонларимизга ҳар кунта соғлом ва баланслаштирилган рацион асосида беш маҳал овқат берилади. Ота-оналар букаби шароитларни кўриб мамнун бўлишмоқда. Бизга, қолаверса, қишлоқ аҳлига мана шундай қулайлик яратилишида "Микрокредитбанк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Зотан, биномиз қад роллашида ушбу банкнинг молиявий кўмаги асқотди.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида ҳам "Микрокредитбанк" АТБнинг молиявий кўмагида "Манзурабону" номли 150 ўринга мўлжалланган рус ва инглиз тилига ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Мазкур боғчада тар-

бияланаётган ёшларга гимнастика, карате, рақс, пианино тўғарақлари, шунингдек, футбол машғулоти олиб борилмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунгача "Микрокредитбанк" АТБ томонидан молиялаштирилган мактабгача таълим муассасалари салкам 3 мингта болаларни қамраб олган бўлса, бошқичма-бошқич яна 45 та МТМ лойиҳаси ишга туширилгач, жами 7 мингдан ортиқ болалар мактабгача таълим тизимига жалб этилади.

"Микрокредитбанк" мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши йўлида шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг келажакдаги истиқболи порлоқ бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

Банк ахборот хизмати

## “ЎЗАГРОСУҒУРТА” АЖ 9 ОЙНИ ҚАНЧА ДАРОМАД БИЛАН ЯКУНЛАДИ?

Яқинда “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқарувининг мажлислар зали “Ўзагросуғурта” АЖнинг 2019 йил 9 ойлик фаолияти натижалари ва хизматлар кўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли қарори юзасидан “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг “Йўл харитаси” қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Тадбирда ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан маълумотлар тақдим этилди.

Маълумки, молиявий барқарорлик суғурта ташкилотлари учун хизматлар сифатини яхшилаш, бозордаги мавқеини мустақамлаш ва фаолият кўламини кенгайтиришда бирламчи омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти 2019 йил 9 ойи давомида хизматлар сифатини такомиллаштириш ва тизимидаги ҳудудий бўлинмалар фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу сазй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган йилга нисбатан қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, Жамият томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида таъминланган суғурта мукофотлари миқдори 180,3 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилги ҳисобот даврига нисбатан қарийб 31 миллиард сўмга кўп демакдир ёки ўсиш суръати 21 фоизга таъминланди.

“Ўзагросуғурта” АЖнинг суғурта шартномалари бўйича олган мажбуриятлари 52 триллион сўмдан ошади. Бу эса, аввалги йилга нисбатан деярли 10 фоиз ўсганини кўрсатади.

Анжуманда таъкидланганидек, ҳисобот даврида Жамият томонидан 34,3 миллиард сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб ярим миллиард сўм кўпроқ маблағ сарф этилганлигидан далолат беради.

Жамият жорий йил 9 ойини 10,4 миллиард сўм соф фойда билан яқунлади.

Шу билан бирга, Жамият т-

зимидан бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд.

Айтиш жоиз, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Муҳтарам Президентимизнинг маърузаларида бу ҳақда кўп мартаба таъкидланган. Жамият томонидан қатор йўналишларда таъсирчан ишлар олиб борилганлигига қарамаздан, филиаллар фаолиятида тизимли камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда. Мисол учун, филиаллар томонидан ўтган йилга нисбатан камроқ суғурта шартномалари расмийлаштирилди, бу эса суғурта кўламини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади.

Жамият филиаллари бўйича суғурта мукофотининг прогноз кўрсаткичлари 94,6 фоизга бажарилди холос. Прогноз кўрсаткичлари Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Тошкент шаҳар филиаллари томонидан ортиги билан бажарилган бўлиб, қолган ҳудудларда белгиланган прогноз ижроси таъминланмади.

Шунингдек, филиаллар бўйича суғурта мукофотлари ҳажми (қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги суғуртадан ташқари) ўтган йилга нисбатан жами 27,2 фоизга ўсган бўлса-да, Бухоро ва Тошкент вилояти филиалларида бу кўрсаткич паст даражада қайд этилди.



Ййгилишда бугунги кунда кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифати ва кўламини ошириш, янги суғурта турларини амалиётга жорий этиш ва мижозларга ҳар томонлама қулайлик яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, суғурта полисларини сотишда инновацион савдо тизими – on-line шаклда йўлга қўйиш, компаниянинг янги расмий веб-сайти ишга тушгани ва уяли алоқа воситаси ёрдамида “Play Market”, “App store” орқали мобил иловаларни юклаб олиш имкониятини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Жамият томонидан яқин кунларда мижозлар учун “Универсал” полис ID-пластик карталар жорий этиш устида ишланмоқда. Бу лойиҳа суғурта қилдирувчиларни ортиқча қозғозлик ва хизмат кўрсатишда инсон омилни камайитиришга хизмат қилади. Шунингдек, суғурта турларини ягоналаштиришга имконини яратади.

Бугун Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатда суғурта маданиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга чуқур эътибор қаратилмоқда. Бу борада махсус “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бюджетдан миллиардлар сарфланмоқда. Мақсад ҳар бир ўзбекистонликнинг соғлиги, бизнеси ва уларнинг мол-мулкни суғурта йўли билан ҳимоялаш орқали мамлакат иқтисодийтини барқарорлаштиришидир. Бу пуллар беғонаники эмас. Улар ҳавога учмаслиги учун ҳар биримиз дахлдорлигимизни тўлиқ англамоғимиз лозим. Зеро, бўлаётган ислохотларнинг замирида аввало халқ, унинг манфаатлари ётади.

**Шухрат КОБИЛОВ,  
“Ўзагросуғурта” АЖ  
Бошқарув  
раисининг матбуот  
котиби – ахборот сиёсати  
масалалари бўйича  
маслаҳатчиси.**

## СУВТЕКИН ХОМАШЁДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ МУМКИНМИ?

Нафиддин аканинг кечагидай ёдида. Фермер эмасми, ўшанда анча – мунча қорақўл қўйи бор эди. Ҳаммаси яхши бораётгани-ю, аммо қўй жуни деганларининг урвоқча қадри қолмаганди. Одамлар ҳам ҳайрон. Сотай дейишса, оламан, дейдиган йўқ.



Ахлатга ташлагани кўз қиймайди. Увол. Ана шундай паллада Нафиддин акани биров сўроқлаб келди. Танишдилар. Қўй жунига харидор эмиш. Агар килосини 100 сўмдан берса, ҳаммасини кўтарасига олармиш. Фермерга бу гап оғир ботди. Ахир, ерга уриш бундан ҳам ортиқ бўлиши мумкинми?! Инсофсизлик ҳам эви билан-да! Аммо фермер босиқлик қилди. Ичидагини ташига чиқармади.

– Шундан сўнг дўппини бошдан олиб обдан ўйладим, – дейди Нафиддин ака. – Қўй жуни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш наҳотки, мушкул иш бўлса? Бу савол менга тинчлик бермай қўйди. Сўраб-суриштирдим. Ўқиб-ўргандим. Изландим.

Нафиддин Ҳайитов ниҳоят, саволга жавоб топди. Ёйждувонда қўй жуни қайта ишлашга ихтисослашган замонавий корхона барпо этиш зарур. Бунинг учун тадбиркорлар пишиқ бизнес режа тузиб, банкка топширди. Унинг ташаббуси қўллаб-қувватланиб, 4 миллиард сўмдан кўпроқ кредит маблағи ажратилди.

– Хитой Халқ Республикасидан энергия тежамкор жунни қайта ишлаш ускуналарини харид қилдик, – дейди “Нурли ниҳол чашмалари” хусусий корхонаси раҳбари Н.Ҳайитов. – Айни дамда корхонамиз йилига 350-400 тонна жунни қайта ишлаб, иссиқликни сақловчи матолар тайёрляпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 10 турдаги маҳсулотнинг, айниқса, намат яъни кигизнинг, кўрпа-ёстиқларнинг бозори чакқон. Чунки бугунги харидор анойи эмас. У қўй жуни солиниб тайёрланаётган бу жиҳозлар инсон саломатлиги учун фойдали эканини яхши билади.

Эътиборлиси, маҳсулотнинг бир қисми Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Хитойга эса момиқ жунни экспорт қилиш бўйича келишувга эришилган.

Корхонанинг чиқитсиз технология асосида ишлашини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки чиқитлардан пойабзал учун патак тайёрланяпти.

Ҳозир бу ерда 20 та иш ўрни яратилган бўлса, тадбиркор истиқболда жундан ип йиғиришни ҳам йўлга қўйиб, 30 нафар ёшларни ишли қилмоқчи.

Айтмоқчи, корхонанинг хом ашёни қабул қилиш пункти ишлаб турибди. Қўй жунининг нархи ҳам энди сувтекин эмас. Чунки унинг экспортбоп маҳсулот тайёрлайдиган “Нурли ниҳол чашмалари” дай инсофли харидори бор.

# ЭНГ КИЧИК ПЕНСИЯ ЁШИ - ЎЗБЕКИСТОНДА

Ҳозирги пайтда пенсия таъминотини такомиллаштириш дунёдаги энг глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Пенсия тизимларини такомиллаштириш тўғрисидаги халқаро даражадаги муҳокамалар Жаҳон банки томонидан 1994 йилда нашр этилган, аҳолининг қариб бориши билан боғлиқ пенсия инқирозига бағишланган ҳисоботидан бошланган.



Маърузада пенсионерларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлигининг узайиши билан боғлиқ ҳолда аксарият мамлакатларда маблағларнинг қатъий тақсимлашнинг "авлодлар бирдамлиги" тамойилларига асосланган пенсия тизимларида тақчиллик юзга келиши натижасида кўплаб мамлакатларда ушбу муаммони ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Жаҳон мамлакатларида демографик вазиятнинг кескинлашуви, жумладан, аҳоли ёш таркибининг жиддий ўзгариши, яъни аҳоли ёш таркибида кекса ёшдаги фуқаролар улушининг ортиб бориши, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши кабилар пенсия таъминоти тизими харажатларининг кўпайишига олиб келмоқда.

Жаҳон банкининг ҳисобот маълумотларига кўра, дунё бўйича 2017 йилда 60 ёш ва ундан юқори ёшдагилар 962 млн. кишини ташкил этиб, 1980 йилга нисбатан 383 млн. кишига ёки 152 фоизга ортган. Мазкур кўрсаткич 2030 йилга бориб, 1,4 млрд.га, 2050 йилга келиб эса 2017 йилга нисбатан 2 баравар кўпайиши, яъни 2,1 млрд. кишини ташкил этиши прогноз қилинган. Бугунги кунда умр кўриш давомийлиги дунё бўйича ўртача 71,9 ёшни ташкил этади. Бу эса, 1990-1995 йилларга нисбатан 7,3 йилга ўсган. 2030 йилларга келиб умр кўриш давомийлиги ўртача 73,8 ёшни, 2050 йилларга келиб эса ушбу кўрсаткич 77 ёшни ташкил этиши прогноزلантирилган.

Ўртача умр кўриш давомийлиги 75 ёшдан юқори бўлган барча мамлакатларда пенсия ёши ўртача 65 ёшни ташкил этмоқда. Дунёда соғлиқни сақлаш сифати яхшилангани, тиббиётнинг жадал тараққий этаётгани, санитар назоратнинг такомиллашганлиги, таълимдан фойдаланишнинг кенгаётгани, иқтисодий фаровонлик боис кексалар улуши борган сари кўпаймоқда. Узоқ умр кўриш – инсоният тараққиётининг энг катта муваффақиятларидан биридир.

Шунинг учун фуқароларга умрининг охирига қадар пенсия тўлаш, муносиб яшаш шароитларини яратиб беришни давом эттириш давлат зиммасидаги энг муҳим ва долзарб ма-

сала ҳисобланади. Бунга яна бир сабаб шуки, Европа давлатларида 2010 йилда пенсия жамғармаларидаги дефицит 300 миллиард еврони ташкил қилди. Голландия банки пенсия миқдорини ўртача 3 фоизга камайтирди. Бошқалар ҳам ундан ўрناق олмоқда.

Хуллас, қари ҳам, ёш ҳам кўпроқ ишлашига, ўз истиқболи учун кўпроқ сармоя киритишига тўғри келмоқда. Давлатда яшаш сифатини аниқ кўрсатиб берадиган демографик индикаторлардан бири бўлиб, туғилишда кутилаётган ўртача умр кўриш даври ҳисобланади. Бу кўрсаткич инсон ривожланиши индексини ҳисоб-китоб қилишнинг тўртта компонентлари-

дан бири ҳисобланади ва турли хил давлатлар ва ҳудудлар жамият ривожининг даражасини кўрсатувчи асосий халқаро кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида аҳолининг умр кўриш давомийлиги бўйича етакчилик қилмоқда. Бу ҳақда "Lancet" нашри томонидан Эълон қилинадиган Global Burden of Disease тадқиқотида айтилган.

Тадқиқот маълумотларига кўра, Ўзбекистон Марказий Осиёда ўртача умр давомийлиги бўйича етакчилик қилапти. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 73,8 йилга тенг.

Тожикистонда ўртача умр давомийлиги 73,7 йилни ташкил қилапти. Қозоғистонда бу кўрсаткич 72,4 йилга, Қирғизистонда 70,9 йилга, Туркменистонда 70,4 йилга тенг.

Дунёда ўртача умр давомийлиги энг узун мамлакат деб Гонконг (84,3 йил) топилди. Ундан кейин Япония (83,8 йил) ва Италия (83,5 йил) жой олган.

Ўзбекистонда умумий белгиланган пенсияга чиқиш ёши 1956 йилда собиқ Иттифоқ мамлакатлари фуқароларининг пенсия таъминоти қонуничилиги билан белгиланган миқдорда (аёлларга 55 ёш, эркекларга 60 ёш) сақланиб турибди. Ўша даврнинг статистикасига назар соландиган бўлсак, ўртача умр кўриш давомийлиги 47 ёшни ташкил этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўртача умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи сўнги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жумладан, 1991 йилда ушбу кўрсаткич 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 70,8 ёшни, 2010 йилда 73,0 ёшни, 2017 йилда 73,8 ёшни (аёлларда - 76,2 ёш, эркекларда - 71,4 ёш) ташкил этган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг

"Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида"ги 102-сонли Конвенциясининг 26-моддасига мувофиқ, "белгиланган пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги лозим ёки ваколатли органлар томонидан мамлакатдаги кексаларнинг пенсияга чиқиш ёшини белгилашда уларнинг меҳнатга лаёқати ҳисобга олиниши зарур". Демак, Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига кўра, дунё бўйича пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ, аммо, бунда кексаларнинг меҳнатга лаёқатлигидан келиб чиқиб, бу ёш оширилиши ҳам мумкин. Бугунги кунда дунё бўйича ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 63 ёшни ташкил қилади.

Ривожланган давлатларда пенсия ёши – Японияда 65 ёш, Франция ва Грецияда 67 ёш, Буюк Британия, Испания ва Швецияда эркеклар ва аёллар учун 65 ёш, Бразилида эркеклар учун 65, аёллар учун 60 ёш. Марказий Осиё, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда эркеклар 63, аёллар 58 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёши ҳар йили 6 ойдан босқичма-босқич оширилиб, 63 ёш қилиб белгиланган. Туркменистонда эса пенсия ёши эркеклар учун 62 ёш, аёллар учун 57 ёш қилиб белгиланган бўлиб, ушбу давлатларда пенсия таъминоти тизимларида мамлакатнинг демографик, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати ва шароитидан келиб чиқиб бир неча мартаба ислохотлар ўтказилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ўтказилган тадқиқотига асосан, 2010-2016 йилларда 169 та мамлакатда пенсия таъминоти ислохотлари ўтказилган бўлиб, ушбу ислохотлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилган:

72 ҳолатда – пенсия ёши оширилган;

31 ҳолатда – пенсияларни тайинлашда квалификация талаблар ва пенсияга чиқиш даври оширилган, муддатидан олдин пенсияга чиқиш чекланган ва уларга нисбатдан жарималар кўлланилган, кеч пенсияга чиқиш бўйича рағбатлантирувчи механизмлар кўлланилган;

25 ҳолатда – пенсия формуласи модификациялаштирилган ва субсидиялашган тўловлар қисқартирилган;

12 ҳолатда – пенсиялар индексацияланиши шартлари ўзгартirilган ёки индексация "музлатилган";

17 ҳолатда – ижтимоий тўловлар миқдори оширилган.


Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотларига кирувчи давлатларнинг кўпчилигида эркек ва аёлларнинг пенсия ёшлари 65 ва ундан юқори қилиб белгиланган бўлса, Европа ва Марказий Осиё давлатларида ҳанузгача эркеклар пенсияга 65 ёшдан вақтлроқ, аёллар эса ундан ҳам вақтли чиқадилар. Ўртача пенсия ёши белгиланган пенсия ёшидан кам бўлиб, бу аввало имтиёзли пенсияга чиқиш бўйича ҳуқуқлар мавжудлигидандир.

Эслаб ўтамиз, айни вақтда Ўзбекистонда пенсия ёши аёллар учун 55 ёш, эркеклар учун 60 ёшни ташкил этади. Бу МДҲ давлатлари орасида энг паст кўрсаткичли пенсия ёши ҳисобланади.

## Дунё мамлакатларида пенсия ёши

Кўпгина давлатлар умр кўриш давомийлиги ҳамда пенсия ёшдаги аҳолининг ортиши оқибатида ислохотлар доирасида пенсия ёшини кўтаришмоқда.

Пенсия ислохотининг якуний йили



Ислохот якунида белгиланган пенсия ёши

Эркеклар	Аёллар
55	55
Германия 67	Германия 67
Б.Британия 67	Б.Британия 67
Франция 67	Франция 67
АҚШ 67	АҚШ 67
Италия ≈ 66,5	Италия ≈ 66,5
Япония 65	Япония 65
Россия 65	Россия 63

# МИЛЛИЙ ВАЛЮТА КУРСИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Мамаризо Нурмуратовни таъкидлашча, ҳозирги пайтда миллий валютани ҳисобланган сўмнинг курси эркин, сузувчан ҳолатда бўлиб, унинг хорижий валюталарга нисбатан курси бозор механизмлари, яъни ички валюта бозорида унга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб аниқланмоқда. Лекин шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, миллий валютани курси либерализация қилингандан кейин ҳам уни курси, яъни баҳоси кескин пасайиб бормоқда ва яна бу ҳолат қанча давом этади? Бу саволларга жамият мутахассис олимлардан жавоблар кутади.



Бу ҳолат барча турдаги аҳоли тоифаларига, резидент ва норезидент бўлган юридик шахсларга (оддий фуқароларга ва тадбиркорларга, экспортёрларга, импортёрларга, хорижий ва маҳаллий инвесторларга, ҳаттоки иқтисодчи мутахассисларга ҳам) қатор жумбоқларни келтириб чиқаради ва бизнесни узоқ даврга прогноزلашга ҳалақит беради, бир сўз билан айтганда, стратегик реал молиявий режалар ишлаб чиқишга йўл бермайди.

Шунинг учун ушбу илмий мақолада ривожланаётган давлатларда ва шу жумладан, бизнинг республикамизда хорижий валюталарга нисбатан миллий валютани курсини барқарорлашига ёки уни мустаҳкамлашига, яъни уни қадрини ошишига қайси омиллар ё ижобий ёки салбий таъсир қилаётганлигини таҳлил қилиб чиқиб, юқорида кўйилган саволларга илмий жиҳатдан тўғри жавоблар қидиришга ҳаракат қилимиз.

**Биринчи омил.** Бир йил давомида ишлаб чиқилаётган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) (яъни бир йилда ишлаб чиқилаётган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) инфляция даражасини инobatга олманган баҳосининг ўсиш даражаси, қолаверса уларни аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келатганлиги миқдори. Ушбу макроиқтисодий молиявий кўрсаткичда бизнинг республикамизнинг кейинги йиллардаги расмий статистик маълумотлар динамикасини таҳлил қилсак, у мунтазам ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин:

(млрд. сўмда)

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот: жами, млрд. сўмда	Аҳоли жон бошига минг сўмда
2016 й.	199 993.4	6 279.6
2017 й.	254 043.1	7 843.9
2018 й.	407 514.5	12 365.6
2019 й.	222 020.0	6 600.0

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш миқдори ва уни аҳоли жон бошига тўғри келиш кўрсаткичи динамикасини таҳлил қилинаётган 2016-2018 йилларда икки баробардан ошиққа кўпайган, ammo ушбу

кўрсаткичи йилига 5-6 фоиздан ижобий томонга ўсаётганига қарамасдан миллий валюта курсини кескин пасайиш тенденциясини тўхтата олмаётди, чунки мамлакатда валюта курсига ўта таъсир қилувчи инфляция босим жуда катта.

**Иккинчи омил.** Мамлакатда содир бўлаётган инфляция даражаси, яъни бир йил ичида товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосининг ўсиш даражаси. Ушбу муаммони расмий статистик маълумотлар ёрдамида таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги салбий ҳолатларни кузатишимиз мумкин:

Йиллар	Инфляция даражаси, фоизда
2016 й.	5,7
2017 й.	14,4
2018 й.	15,5
2019 й.	14,9
2020 й. прогноз	16,0

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2017 йил сентябрь ойдан бошлаб Марказий банк томонидан валюта курсини либераллаштириш амалга оширилгандан сўнг, мамлакатда инфляция даража икки баробардан ошиғига ўсиб кетди ва таҳлил қилётган давр ичида бу ҳолат янада ўсиб ва кейинги 2020 йилда ҳам кучайиб бориши кутилмоқда.

Ушбу таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, муаммони ўрганаётган давримизда миллий валютани хорижий валюталарга нисбатан курсини кескин пасайиб боришига олиб келган ва янада кучаяётган салбий ҳолат бу йилига ўрта ҳисобда мамлакат ичкарисидан 15-16 фоизда содир бўлаётган инфляция босимдир, яъни баҳоларнинг ўсишидир. Мамлакат ичкарисидан баҳоларни шу қадар кескин ўсишига олиб келатган омил эса, ҳаддан ташқари миллий иқтисодийётни хорижий валюталарда (депозитлар жалб қилиш ва кредитларни кескин ўсиши, айниқса имтиёзли давлат кредитлар ҳисобидан) молиялаштириш ҳисобланади. Марказий банк кейинги йилларда инфляция даражасини 5-10 фоиз ораллиғида жиловлаш учун таргетлаш усулини қўламоқчи, ammo миллий иқтисодийётни юқори даражада хорижий валюталарда молиялаштириш бўлиб турганда, мониторинг билан бирон бир тўхтатувчи омилга эришиш жуда қийин, чунки

бизнинг давлатимиз ички молия бозорида ҳали капитал бозори етарлича ривожланмаган.

**Учинчи омил.** Мамлакат ташқи савдо баланснинг ҳолати (ижобий ёки салбий) қолдиқда эканлиги. Ушбу омилни таҳлил қилиш учун таҳлил қилинадиган даврдаги статистик маълумотларга мурожаат қиламиз, улар қуйидаги ҳолатда ривожланмоқда:

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долларида шу жумладан:	Экспорт	импорт	Қолдиғи (+ ижобий, салбий)
2016 й.	24 232,2	12 094,6	12 137,6	-43
2017 й.	26 905,9	12 893,5	14 012,4	-1 118,9
2018 й.	33 810,0	14 250,0	19 560,0	-5300,0
2019 й. январь-август	28 433,3	12 463,0	15 970,3	-3 507,3

Юқорида келтирилган республикамиз бўйича ташқи савдо айланмасининг расмий статистик маълумотларини таҳлилдан кўриниб турибдики 2016-2018 йилларда 39,5 фоизга ўсган, шундан экспорт 18 фоизга, импорт эса 61 фоизга ўсган, демак асосан ташқи савдо айланмасининг асосий ўсиши импортни ошиши ҳисобидан юзага келмоқда. Бу ҳолат бир жиҳатдан тўғри, яъни ташқи савдо операциялари либерализация қилингандан кейин мамлакатимиз ичида хорижий валюталарга бўлган талаб ошиб боради, шунинг учун ҳам импортни экспортга нисбатан уч баробардан ҳам кўпроқ ошиб бориши содир бўлмоқда, бу ўз навбатида миллий валюта курсини пасайишига ва кескин қадрсизланишига олиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат ташқи савдо балансини ўта пассив бўлиши, яъни фақат 2018 йил якунида 5,3 млрд. АҚШ долларига тенг миқдорда салбий балансга эга бўлиши мамлакат ичкарисидан ликвидликни кескин пасайишига олиб келмоқда ва сўмни қадрсизланиши ўз босимини кучайтирмоқда. Бу ҳолатни тўғрилаш учун Марказий банк ва ҳукумат томошабин бўлмасдан, шошилиш ва бутунлай янги иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиши талаб этилади.

**Тўртинчи омил.** Давлат бюджетининг балансланганлиги (дефицит ёки профицитлиги). Ушбу омил ҳам миллий валюта курсига сезирарли таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни даромадлари ва харажатлари динамикасини ва уни балансланганлигини кейинги статистик маълумотларда кўришимиз мумкин:

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бдужетини 2016-2018 йиллардаги даромадлари ва харажатлари динамикаси (махсус жамғармалардан ташқари)**

Йиллар	Даромадлар, трлн. сўмда	Харажатлари, трлн. сўмда	Давлат бюджетининг танқислиги (-), профицит (+) трлн. сўмда
2016 й.	41,0	40,9	0,1
2017 й.	49,7	49,3	0,3
2018 й. прогнози	62,5	74,0	-11,5
2019 й. прогнози	102,6	107,1	-4,5

Юқорида келтирилган расмий статистик маълумотлар динамикасини таҳлилдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда давлат бюджети харажатлари унинг даромадларига нисбатан юқори даражада ўсиш тенденциясига эга бўлиб ва яна тақчилликка ҳам эгадир. Унинг 2018 – бюджет йилидаги миқдори -11,5 трлн. сўмни ташкил этмоқда. 2019 йилда бу тақчиллик прогнозга асосан икки баробарга камайиши белгиланган бўлса-да, унинг миқдори – 4,5 трлн. сўмни ташкил этилиши кутилмоқда. Хуллас тўртинчи омил ҳам негатив ҳолатда бўлганлиги учун миллий валютани курсини кейинги йиллардаги ҳолати ҳам хорижий валюталарга нисбатан пасайиш ва сотиб олиш қудратини тушиб бориш тенденциясига эга бўлади.

Шундай қилиб, яқин келажакка мўлжаллаб умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ҳисобланган “сўм”нинг хорижий валюталарга нисбатан курси кейинги 3-4 йилда пасайиб бориш тенденцияси давом этади, мамлакат ички маҳсулотини йилига ўртача 5-6 фоиздан ўсиб боришига қарамасдан.

Шунинг учун биринчи навбатда мамлакат ички маҳсулотни яратилишига кам ҳисса қўшадиган тармоқларда таркибий ислохотларни чуқурлаштириб кескин ва тубдан янги иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиши ва жорий этилиш талаб этилади.

Иккинчидан Марказий банк ва Молия вазирлиги бозор инструментлари қўллаб ички молия бозорига жуда катта босим ўтказётган хорижий валюталарнинг молиявий босимини ҳамкорликда пасайтириш, чеканка қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, мамлакат тўлов балансининг жорий операцияларида, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириб, импортни маҳаллийлаштиришни кўчайтириб, ижобий сальдога бозор механизмлари билан эришиш зарур.

Тўртинчидан, Давлат бюджетда маълум даражада иқтисодий самара бермаётган социал, мудофаа, бошқариш харажатларини камайтириб иқтисодийётни ривожлантириш харажатларини ошириб бориш керак.

Бешинчидан, Марказий банк ҳар қанақанги ҳолат мамлакат ички молия бозорида содир бўлишига қарамай, ўзининг миллий валютаси курси билан манипуляция операцияларига бормаслиги талаб этилади, АҚШнинг қўшимча санкциялари қўлланадиган давлатлар қаторига қўшилиб қолмаслиги учун албатта.

**Эрмат ҚОДИТУРИ**  
Тошкент молия институтини доценти, иқтисод фанлари номзоди



## ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР РИВОЖИ – ХАЛҚ РОЗИЛИГИНИНГ АСОСИДИР

**Бугун ривожланишнинг янги босқичини бошдан кечириб, трансформация жараёнларига тайёргарлик кўраётган мамлакатимизда молия муассасалари тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилиб, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб борапти. Бу айниқса, банклар тармоғида жадал ривожланаётган сегмент, яъни чакана хизматлар йўналишида янада сезиларли аҳамиятга эга бўлиб бораётир.**

Хусусан, кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишдаги тўсиқларнинг олиб ташланиши, микроқарзлар ажратилишининг соддалаштирилиши, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга оширишдаги қулайликлар каби жиҳатлар шулар жумласидандир. Молия бозорида қарийб ўттиз йиллик тажрибага эга “Туронбанк” АТБ бу борада фаол, энг асосийси, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда иш юритмоқда.

Бунинг яққол мисолини 9-10 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган “Чакана банк хизматларининг молия муассасалари тизимидаги ўрни” мавзусидаги семинардан билиб олиш мумкин. Унда банкнинг республика миқёсидаги барча филиалларида “Чакана хизматлар кўрсатиш” департаменти ҳамда касса амалиётлари бўлимларида иш олиб бораётган икки юзга яқин ходимлар иштирок этди. Тадбирдан асосий мақсад эса, фаолиятни сарҳисоб қилиб, чакана банк хизматлари кўрсатиш бозоридаги янги ноу-хауларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш бўлди.

Семинарни “Туронбанк” АТБ Бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Азиз Ташев очиб берди. Шундан сўнг Марказий банк мутахассиси Шуҳрат Рўзимуродов “Тижрат банкларида касса ишини ташкил этиш борасидаги янгиликлар” мавзусида маъруза қилди. У ўз сўзида банк тизимида оид қонунчиликдаги сўнги ўзгаришлар ҳамда уларда банклар фаолиятини

янада эркинлаштириш мақсадида яратилган янги имкониятлар ҳақида маълумот бериб, иштирокчиларнинг мавзу юзасидан берилган барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Шунингдек, семинар давомида “Чакана амалиётлар кассалари томонидан аҳолига универсал касса хизматларини кўрсатиш ҳамда бунда операцияларни амалга ошириш тартиби”, “Туронбанк тизимида халқаро пластик карточкалар тизимида амалга оширилаётган ишлар”, “Миллий пластик карточкалар билан ҳисоб китобларни ривожлантириш”, “Халқаро пул ўтказмалари тизимларида операция бажариш ва уларни автоматлаштириш”, “Онлайн омонатларга пул маблағларини кирим қилиш тартиби” сингари қатор масалалар муҳокама қилинди.



Реклама ҳуқуқи асосида

Айтиш керак, бугунги кунда “Туронбанк” АТБ 20 та филиали, 37 та минибанки, 7 та банк хизматлари маркази, 23 та валюта айирбошлаш ва 35 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ва 29 та коммунал ва махсус кассалар орқали ҳам юридик ҳам жисмоний шахсларга кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, нақд пулсиз ҳисобкитобларни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш борасида қатор амалий чоралар кўрилиши натижасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 552 650 донани ташкил этди (шундан, 18 276 та “Нумо” пластик карточкалари).

Бундан ташқари, банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида жами 9,3 млн. АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағлари конверсия орқали ҳамда 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар тўғридан-тўғри хорижий валютадаги пластик карталарга кирим қилинган.

Шунингдек, “Туронбанк” АТБ инновацион хизмат турларидан фойдаланган ҳолда ўз-ўзига хизмат кўрсатишни янада оммалаштириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида 24/7 ёки 365 тизимида фаолият юритувчи “Автоматлаштирилган тўлов марказ”ларини жорий этган. Уларда 63 та миллий валютада, 28 та хорижий валютада ва 33 та “Нумо” карталарига хизмат кўрсатувчи банкомат ва 207

та ўз – ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиоска ўрнатилди.

Молия муассасаси масофадан хизмат кўрсатиш хизматларини ҳам ривожлантирмоқда. Хусусан, “МуТурон” мобил иловаси орқали коммунал ва бюджет тўловларини амалга ошириш, онлайн тарзда пул маблағларини мuddатли омонатларга ўтказиш, онлайн конверсия амалиётларини амалга ошириш каби хизматларни бажариш мумкин. Йил бошидан мобил илова орқали банк миջозларига 9 млн. 537,8 минг АҚШ доллари сотилди. Семинар давомида иштирокчилар эришилган ютуқлар билан бирга, фаолиятга жорий қилиш керак бўлган янгиликлар ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашишди ҳамда қизғин баҳс-мунозарага киришди. Шу билан бирга, янги ташаббуслар илгари сурилди.

Унинг якуни бўйича эса, “Туронбанк” АТБнинг Республика миқёсидаги барча филиалларда “Чакана хизматлар кўрсатиш” департаменти ҳамда касса амалиётлари бўлимларида фаол иш олиб бораётган ходимлар “Энг кўп миջозга хизмат кўрсатган ходим”, “Халқаро пул ўтказмалари бўйича энг намунали ходим”, “Касса ичида самарали меҳнат фаолияти учун”, “Тўлов тизимларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича тақдирланишди.

Бир сўз билан айтганда, тадбир миջозлар эҳтиёжларига мос хизматлар кўламини кенгайтириб бориш “Туронбанк”нинг чакана хизматлари ривожланишининг асосий мезонига айланаётганининг яна бир қарра исботи бўлди.

Қолаверса, семинарнинг иккинчи кунда тадбир иштирокчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди. Жумладан, банк ходимлари яқинда бунёд этилган замонавийлик ва муҳташамлик маркази бўлган – “Тошкент Сити”га ташриф буюриб, у ердаги бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлишиб, бир олам таасурот олиши баробарида ички туризм ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишди.

Рустам ПЎЛАТОВ


## ЖИЗЗАХ ИПАКЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга амалга оширган ташрифлари чоғида доимо иқтисодийетимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга эканлигини такрор ва такрор айтиб, давлат ва жамоат ташкилотлари, молия муассасалари зиммасига қатор вазифаларни юклайдилар.

Сабаби, бу ривожланиш энг юқори нуқтага етаётган бугунги даврнинг гоят муҳим талабидир. Ушбу қақриқларга масъулият билан эътибор қаратиб, ёндашувнинг янгича услубини танлаган "Туронбанк" АТБ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқиш, бизнес-кооперацияни кучайтириш билан боғлиқ масалаларга сифатли молиявий кўмак бермоқда. Айниқса, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилаётган йирик лойиҳалар мисолида.

струкция қилиниб, замонавий технологиялар олиб келиниди ва ишлаб чиқариш жараёни тамомила янги кўриниш олди. Корхона вакиллари-нинг сўзларига кўра, бунинг натижасида айни пайт кунига 100 кг хом ипак маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, сифати жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бермоқда.

– Корхонамиз ўзининг фаолиятини 2018 йилда бошлаган ва ҳозирга қадар 120 нафар доимий ва 4 минг нафар мавсумий ишчилар билан шартнома тузилган. Корхонамиз ҳозирда хом ипак маҳсулотини ишлаб чиқаради. Келгусидаги ре-



Қадимдан шарқ ва ғарбни боғловчи Буюк ипак йўлининг муҳим манзили бўлган Жиззах вилояти айни пайт мана шундай кенг қамровли ислохотларнинг марказига айланди. У ерда хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий кўринишдаги, юқори қувватга эга технологиялар билан таъминланган заводлар қадросламоқда. Хусусан, ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган "Silk Expert processing" Ўзбекистон – Буюк Британия кўшма корхонасини шулар жумласида келтиришимиз мумкин. Лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллион доллар бўлиб, корхона йилига 144 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш қувватига эгадир. Бу кўрсаткични 2021-йилга бориб 576 тоннага етказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, йилига 374 тонна хом пилла ҳам қайта ишланади. 2021-йилга бориб бу қувват 1,5 минг тоннага етказилиши кўзда тутилмоқда.

Мана шундай муваффақиятли фаолиятни йўлга қўйишда эса "Туронбанк" АТБ томонидан ажратилган 5,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитнинг ўрни ҳам аҳамиятли бўлди. Сабаби, айни шу молиявий кўмак эвазига ишлаб чиқариш заводи бутунлай қайтадан рекон-

жаларимиз Европадан мато ишлаб чиқарувчи ускуналарни олиб келиш ва ўрнатиш. Ўйлайманки, бу борада ҳам банк билан ҳамкорликни давом эттирамиз. Ҳозирда биз ўз маҳсулотларимизни Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Вьетнам давлатларига экспорт қилмоқдамиз. Айтишим керак, бу ишларнинг негизига "Туронбанк" АТБ томонидан ажратилган маблағлар эвазига Хитой Халқ Республикасидан харид қилинган ускуналарнинг ўрни бор, – деди "Silk Expert processing" Ўзбекистон – Буюк Британия кўшма корхонаси раҳбари Умиджон Икромов.

Давлатимиз раҳбарининг "Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ҳам мазкур соҳани янада такомиллаштиришнинг комплекс ечимлари белгилаб берилган эди. Айнан шу ҳужжат ижросини таъминлашда эса "Туронбанк" АТБ фаол иш олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар, шарт-шароитлар хорижлик инвесторлар, жумладан, асли ўзбекистонлик бўлган сармоядорларни юртимизда янгидан-янги лойиҳаларни амалга оширишга ундамоқда.

Хоразм вилояти Хонқа туманидаги "GARDENS KHOREZM" корхонаси томонидан бир йилда уч маротаба ҳосил олиш имконини берувчи йирик иссиқхона комплекси барпо этилмоқда.

## БЕШИНЧИ АВЛОД ИССИҚХОНА КОМПЛЕКСИ

Юртимизда аҳолини кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда очиқ ва химояланган майдон сабзавотчилигини ривожлантириш муҳим роль ўйнамоқда.

Шу боис ҳукуматимиз томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини юксалтириш борасида белгиланаётган чора-тадбирларда иссиқхона хўжалиklarини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Хусусан, жорий йил 5 ноябрда Президентимиз бошчилигида мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортни ошириш ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли рақобатбардош ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масаласига катта эътибор қаратилди.

Эътиборлиси, бу борадаги ишлар Хоразм вилоятида кенг кўламда амалга оширилмоқда. Хонқа туманидаги беш авлодли замонавий типдаги иссиқхона комплекси бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида Хоразм вилоятига амалга оширган ташрифи давомида тасдиқланган мазкур лойиҳа "GARDENS KHOREZM" корхонаси томонидан ишлаб чиқилган.

Бир йилдирки, майдони 6 гектарни ташкил этувчи корхона қурилиши шиддат билан олиб борилмоқда. Умумий ҳажми 16,9 млн. еврога тенг бўлган лойиҳанинг қисқа муддатда ишга туширилишида эса, "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан катта молиявий мадад кўрсатилмоқда.

Банкнинг Германия Landesbank'и кредит линиясидан ажратган 12,9 млн. евро миқдоридagi кредити ҳисобига корхонага Голландия давлатидан автоматик ультра иқлим бошқарув тизимига эга беш авлодли иссиқхона комплекси келтириб, ўрнатилди.

Лойиҳа ишга тушса, бир гектар ер майдонида 500 тонна маҳсулот етиштириш ҳамда бир йилда 3 маротаба ҳосил олиш имкони яратилади. Хонқалик юздан зиёд фуқаро доимий иш билан таъминланади. Маҳаллий бозордан ташқари, йилига 3-4 млн. АҚШ долларлик маҳсулот хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Бугунги кунда иссиқхонада ходимлар ва бошқа шахсларнинг кириб-чиқишида хавфли саналган турли касаллик ва микроблардан тозаловчи ускуналар мавжуд.

Хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни автоматик тарзда йиғиш, қадоқлаш ва юкларни сифатли қилиб жойлаштириш учун алоҳида сервис зоналари ташкил қилинган.

Иссиқхона ички ҳарорати йил давомида мавсум танламасдан бир хил иқлимда сақланиши учун углекислий газда ишловчи совутиш ускунаси билан жиҳозланган. Ташқи қопламаларининг шиша ойналар билан қоплангани эса, у ерга экилган кўчатларга кечая кундуз бир хил ёруғлик етиб боришини таъминлайди.

Илғор ва инновацион технология асосида барпо этилаётган иссиқхонада ўсимликларни чанглатиш ҳам табиий усулда – асарларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Мутахассислар фикрича, бу усул маҳсулот етиштириш муддатини тезлаштириб, уларнинг экспортбop бўлишига кафолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Хонқадаги "GARDENS KHOREZM" корхонасининг замонавий типдаги иссиқхонанинг иш бошлаши ҳудуд бозорларида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг мўлқўллигига ҳамда нарх-наво барқарорлигига хизмат қилади.



## МАРКАЗИЙ БАНК ХОДИМЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШГА ЖАЛБ ЭТИЛМАЙДИ

**“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири Президент томонидан имзоланди.**

Қонун билан Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, вазифалари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги каби масалалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунга Марказий банк ходимлари учун бир қатор чеклов чоралари киритилди. Яъни, Марказий банк ходимларига қуйидагилар тақиқланади:

– ҳақ тўланадиган бирор-бир бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш, бундан илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланиш мустасно;

– банклар, хўжалик бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ку-

затув кенгашлари таркибига кириш;

– ўз хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи ахборотни ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа ахборотни ошкор этиш ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ундан фойдаланиш.

Қонунга мувофиқ, эндиликда Марказий банк ходимларини тадбиркорлик субъектларининг ва Қонунда белгиланган бошқа субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти текширувларини ўтказиш учун жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

## БИЛАСИЗМИ!

### ХОДИМНИНГ ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИМИ?

**Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш унинг ёзма розилиги билан ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.**



Ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиниши мумкин:

– белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

– суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

– олдиндан берилган мақсадли пуллар (масалан, хизмат сафарлари учун берилган ва ишлатилмай қолинган аванс) бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун;

– меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун;

– ходим томонидан иш берувчига етказилган за-

рарни қоплаш учун;  
– интизомий жазо тариқасида тайинланган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимнинг иш ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ахлоқ туза-тиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

**“Huquqiy axborot”  
телеграм канали**

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**ЛОМБАРД ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3  
октябрда 1291-10-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микро-молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**  
Тошкент ш.,  
2019 йил 14 сентябрь,  
22/7-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
14 сентябрдаги 22/7-сон қарорига  
ИЛОВА**

## ЛОМБАРД ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 81-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин. деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
2. 9-банддаги “худудий бошқармасининг” деган сўзлар “худудий бош бошқармасининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.  
3. 13-банддаги “30 календар” деган сўзлар “15 иш” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН ФАОЛИЯТ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
3 октябрда 1290-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 399-сон “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон қарори (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**  
Тошкент ш.,  
2019 йил 14 сентябрь,  
22/8-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги  
22/8-сон қарорига  
ИЛОВА**

## ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН ФАОЛИЯТ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 3-бандда:  
иккинчи хатбошидаги “фаолиятни” деган сўз “ишларни” деган сўз билан алмаштирилсин;  
учинчи хатбошидаги “операцияларнинг”

деган сўз “ишларнинг” деган сўз билан алмаштирилсин;

2. 2-иловадаги “энг кам иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ  
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда 3029-3сонли  
рақам билан рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон қарори (рўйхат рақами 3029, 2018 йил 29 июнь)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 532-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**  
Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/14-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019  
йил 24 августдаги 21/14-сон қарорига  
ИЛОВА**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ  
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-банднинг бешинчи хатбошисидан “норезидент” деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 5-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Чет эл валютасини айирбошлаш операциялари базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ЯТТдан қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) талаб этилади (чет эл валюталарини сотиш операцияси бундан мустасно) ва ушбу ҳужжат нусхалари операцияларни амалга оширган ходимлар томонидан банк кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.”.

3. 2-боб номидаги ва 6-банддаги “валюта айирбошлаш операцияларини” деган сўзлар “нақдсиз шаклда чет эл валютасини сотиш операциясини” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 10-банддан “ариза ҳамда” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 3-боб номи “томонидан” деган сўздан кейин “нақдсиз шаклда” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 32-банднинг учинчи хатбошисидан “норезидент” деган сўз чиқариб ташлансин.

7. 34-банд “детектор ёки тестер,” деган сўзлардан кейин “тўлов терминаллари,” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 41-банднинг бешинчи хатбошисидан “энг кам ойлик иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Куйидаги мазмундаги 471-банд билан тўлдирилсин:

“471. Валюта айирбошлаш шохобчаларида резидент жисмоний шахсларга эквиваленти 100 АҚШ долларигача (шу жумладан, эквиваленти 100 АҚШ долларига тенг миқдорда) нақд чет эл валютасини сотиш операцияси улардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмаган ҳолда шохобчага топширган нақд ёки шахсий банк картасидан ечиб олинган миллий валюта миқдори доирасида амалга оширилади.”.

10. 48-банднинг биринчи хатбошисидан “халқаро жорий операциялар амалга оширилиши натижасида” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 49-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“49. Чет эл валютаси:

резидент жисмоний шахсларга сотилганда, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09007-сон шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. 09007-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси резидент жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсини

тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдордаги чет эл валютаси сотилганда) ва бошқа ҳужжатлар билан бирга;

норезидент жисмоний шахсларга сотилганда, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09007-сон шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. 09007-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси норезидент жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси, тегишлилиги бўйича терминал (банкомат) чеки ёхуд республика ҳудудида миллий валюта маблағларининг қонуний манбалардан олинганлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар билан бирга мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги 09010-сон реестрга илова қилинади ва ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади.”.

12. 10-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга ИЛОВА**

**“Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 10-ИЛОВА**

09007-сон шакли

Тижорат банкларнинг эмблемаси

(тижорат банкларнинг логоси) (валюта айирбошлаш шохобчасининг шталласи)

— сон маълумотнома  
30 - йил « \_\_\_\_\_ »  
кун ой

дан (Ф.И.О.)

хизмат

Клиентнинг (биллий валютанинг суммаси рақам ва сўб баъзи)

Берилди: (чет эл валютасининг суммаси рақам ва сўб баъзи)

Хасирининг шталласи ва иловаси

Назоратчининг шталласи ва иловаси

Миллатининг иловаси

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**“МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОР,  
ШУНИНГДЕК УНГА ЎЗГАРТИРИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ ЎЗ КУЧИНИ  
ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА**

*Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
2019 йил 25 октябрда  
1639-4-сонли рақам билан  
рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**  
Тошкент ш.,  
2019 йил 14 сентябрь,  
22/5-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил 14 сентябрдаги  
22/5-сон қарорига  
ИЛОВА**

**ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ  
ТОПИЛАЁТГАН ИДОРАВИЙ  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сон “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1639, 2006 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 463-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 21 майдаги 16/5-сон “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1639-1, 2011 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 271-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/3-сон “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1639-2, 2013 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 261-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1639-3, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 10/18/1639-3/1008-сон).

## ЕВРОКОМИССИЯ 2019-2021 ЙИЛЛАР УЧУН НАВБАТДАГИ БАШОРАТНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Европа Иттифоқидаги 28 мамлакатнинг (Буюк Британия билан биргаликда) 2019-2021 йиллардаги ЯИМ ўсиш кўрсаткичи Еврокомиссия башоратида кўра 1,4 фоизга етиши мумкин.



Айни пайтда 2019 йилдаги башорат ўзгаришсиз қоладиган бўлди, 2020 йил эса 0,2 фоиз пасайди. 2021 йил учун ўсиш кўрсаткичи илк марта тахмин қилинмоқда.

Еврокомиссия кутаётганидек, 2019-2020 йилларда ЕИдаги инфляция даражаси 1,5 фоизга етади ва 2021 йилга бориб 1,7 фоизга тўғри келиши мумкин.

Ундан аввалги башоратида Еврокомиссия инфляция даражаси 2019 йилда 1,5 фоиз, 2020 йилда 1,6 фоизга тенг бўлишини тахмин қилган эди.

Европа иқтисодиёти узоқ муддатли барқарор ўсиш ва мавҳумлик юқори бўлган шароитда паст даражали инфляция даврини ўз бошидан ўтказмоқда, дейди ЕК мутахассислари.

“Ўз навбатида, 2019 йил II чорагида сузлаша бошлаган ЕИ иқтисодиёти яқин келажақда қайта тикланиши амри маҳол”, - дейилади ташкилот хабарномасида.

Бундан ташқари, Еврокомиссия ўзининг кузги башоратида евроҳудуднинг 2019 йилдаги реал ЯИМ кўрсаткичини 1,1 фоизга туширган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 1,2 фоизга етишини башорат қилганди. Ёзи башоратида эса евроҳудуд ЯИМ

ўсиш кўрсаткичи 2019 йилда 1,2 фоиз, 2020 йилда 1,4 фоизга етишини тахмин қилганди. Шунингдек, Еврокомиссия илк марта евроҳудуд 2021 йилдаги ЯИМ ўсиш суръатига (1,2 фоиз) оид башоратини эълон қилди.

Жаҳон савдосидаги суслик евро ишлатиладиган ҳудуддаги бизнес сармояларига кучли зарба берди, боиси унинг катта қисми савдо билан боғлиқ. Евроҳудуд ЯИМ ўсиш кўрсаткичида соф экспортнинг улуши жорий йилда салбий бўлиши кутилмоқда ҳамда 2020 ва 2021 йилларда бетараф бўлиши тахмин қилинмоқда.


Савдо сиёсати соҳасида, шунингдек Буюк Британия ҳамда ЕИ ўртасидаги муносабатларда сақланиб қолаётган мавҳумлик сабабли бошқа омиллар билан биргаликда евроҳудуддаги иқтисодий ўсиш ва инфляцияни узоқ муддат давомида тўхтатиб туриши мумкинлиги қайд этилмоқда. Вазмин иқтисодий ўсиш давом этиши ва нефть нархи пасайишига оид тахминларни ҳисобга олганда ҳисобот даври якунига қадар инфляция вазмин ҳолда сақланиб қолиши тахмин қилинди.

Банклар истаб-истамаган ҳолда мижозларнинг фаолияти ва яшаш ҳудудига маълумотлар билан таниш бўлади. Улар бу маълумотларни SWIFT орқали кузатиш имконига эга бўлиб, мижозларга маълумот ёки хабарнинг, мисол учун дам олиш кунлари юборганини шубҳали амалиётлар белгиси сифатида қабул қилади.

“Бу масала, банкларнинг ўз фаолияти ва ҳудудига тегишлидир. Банклар доимо амалиётлар кун қачон очқилгани ва одатда мижозлар хабарнома қай маҳал жўнатишини аниқ билади. Шу боис кимки яқшанба кун хабарнома жўнатган бўлса, демек, бу шубҳали ҳолдир”, - дея таъкидлайди SWIFTнинг Марказий Осиё ва Шарқий Европа бўйича директори Матвей Геринг “Новости” PAA га берган интервьюсида.

“SWIFT маблағининг асосий қисми узлуксиз хизмат кўрсатиш тизимини қўллаш ҳамда тизимнинг кибербарқарорлигини таъминлашга йўналтирилади. Фақатгина мингдан бир қисм вақтини SWIFT ундан фойдаланишдан имконсиз қолишга ажратади, бу йилига энг узоғи билан бир дақиқа вақт, у ҳам бўлса техник хизмат кўрсатишни созлашга йўналтирилади”, дейди Геринг. Ўтказмаларни SWIFT орқали кузатиш пуллардан жиний максалларда айлантиришга қарши курашишда ҳам кўл келади. SWIFT таркибидаги тизим ҳар бир хабарно-

## SWIFT ШУБҲАЛИ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ



мани текширади, жумладан хабарномани жўнатувчи ва қабул қилувчиларнинг OFAC (АҚШ Молия вазирлигидаги хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси) рўйхатидан ўрин олгани ёки олмаганини ҳам кузатади.

Бундай хизматни компания деярли олти йил аввал ишга туширганди. “Компания ишга тушираётган яна бир лойиҳа, жумладан Россияда ҳам жорий этаётган КҮС – “Ўз хабарчингни таниб ол”. “Бир-бирига хабар жўнатиш” ва “Маълумотларнинг энг сўнги талқинини банкка жўнатиш ёдимдан кўтарилибди” дейишдан олдин барча мижозлар бир вақтнинг ўзида янгилаш имконига эга марказий платформадан фойдаланиш имконига эга бўлгани яқшимасми?” - дея таъкидлади Геринг.

SWIFT – бу банклараро маълумотлар алмашилиши ва тўловларни амалга ошириш халқаро тизими ҳисобланади. Унга дунёнинг 200 мамлакатларидаги 10,8 мингдан ортиқ йирик ташкилотлар уланган.

ХВФни қарзли доира муаммоси ташвишга солмоқда. Фонд раҳбари имконсиз вазиятдан чиқишга ундамоқда.

Жаҳон қарзи ҳажми – рекорд ҳажми, яъни 188 триллион АҚШ долларига етди ва бу билан глобал ЯИМ кўрсаткичига нисбатан икки баробар ошиб кетди. Бу рақамлар ҳар йили ўтказиладиган Жак Полак номидаги ХХ конференцияда Халқаро валюта фонди ижрочи директори Кристалина Георгиева томонидан қайд этилган.

Айни вақтда ривожланган мамлакатларнинг давлат қарзи Иккинчи жаҳон урушидан буён энг максимал даражага етди. Ривожланаётган мамлакатларнинг қарзи эса, 1980 йилдаги инкироздан буён энг рекорд натижага етди. Кўрсаткич ошганининг асосий сабаби умумий қарздорликнинг учдан икки қисмига тенг улушга эга хусусий сектор билан боғлиқ, дейди Георгиева ўз нутқида.

## ИМКОНСИЗ ИМКОНИАТ ЭШИГИ ИЗЛАНМОҚДА



“Паст даромадли мамлакатларда сўнги беш йилда қарздорликнинг кескин ошиши кузатилди”, - дейди фонд раҳбари.

Георгиева юзага келган ҳолатни бартараф этиш зарурати ҳақида сўз юрттар экан, у жами иқтисодий ва молиявий тизим учун масъул эканини қайд этди.

У жаҳон қарзи ошишининг туб илдири 2008 йилдаги молиявий инкироз даврида хусусий секторни давлат кенг миқёсда қўллаб-қувватлаганига тақаллини эслаб ўтди.

“ХВФнинг яқинда ўт-

казган тадқиқоти натижаси 2008 йилдаги инкироз даврида давлат томонидан молиявий ташкилотларни тўғридан-тўғри қўллашининг ўзига 1,6 триллион АҚШ доллари сарфланганини кўрсатди”, - дея аниқлик киритди ХВФ раҳбари.

“Юқори қарз босими аксарият ҳукумат, компаниялар ва уй хўжаликларини кескин молиявий шароитга бўлган иммунитетини пасайтириб юборди”, - деди ХВФ раҳбари.

“Паст даражадаги даромадга эга мамлакатларнинг

қарздорликка оид ташвиши уларнинг тараққиёт борасидаги максалларига ҳалал беради, боиси ҳукумат инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантиришининг ўрнига қарзни қоплаш учун кўпроқ куч ва маблағ сарфлайди, - дейди Георгиева. - Ҳисобларимизга кўра, 43 фоиз паст даражали даромадга эга мамлакатлар ёки танқидий вазиятга тушиб қолиши мумкин ёки улар аллақачон бундай вазиятда кун кечиради”.

Умуман олганда, ХВФ раҳбари кўплаб мутахассислар илгаридан кўп гапирадиган мавзуга тўхталди. Мушкул вазиятдан чиқиш ҳақида ҳар қанча сўзлаш, муҳокама қилиш мумкин, бироқ уларни бартараф этишининг имкони йўқдек. Аксарият мутахассислар қайд этишича, бунга узоқ муддат давомида фоиз

ставкаларини ноль даражага тушириб қўйган марказий банклар айбдордир.

Сўнги 10 йил давомида деярли барча мамлакатлар иқтисодиёти исталганича қарз олиш ва қарзни қоплашга деярли ҳаракат қилинмаслик амалиётига кўникиб қолди. Албатта, бу билан тарихдаги энг катта қарз доираси юзага келишига олиб келди.

Таъкидлаш жоиз, ҳатто энг ишонсиз қарздорлар ва инкирозга юз тутаётган компаниялар ҳам жуда паст фоизларда қарз олишга эришди. Бу эса, бозорда самарасиз компаниялар сони ошишига сабаб бўлди.

Тан олиш керак, фоиз ставкаларини меъёрлаштириш йўлида ташланадиган ҳар қандай қадам дефолт ҳолатининг кескин ошишига олиб келиши мумкин. Паст фоиз ставкалари қисқа муддатда бўлганида эди, бу даражадаги молиявий тушкунлик кайфияти юзага келмаган бўларди. Бироқ МБ раҳбарлари негадир бошқа йўлдан боришди.

Дунёнинг энг оммавий, таниқли валютаси ҳисобланмиш АҚШ доллари қандай ишлаб чиқарилиши ва унинг тарихи билан қизиқанмисиз? Куйида шу мавзу юзасидан маълумот берамиз.

Доллар АҚШ Молия вазирлиги таркибига кирувчи махсус бюрода ишлаб чиқарилади. Бюрога 1862 йилда Вашингтонда асос солинган бўлиб, у ерда 2 мингдан ошқ ходим ишлайди.

Айтганча, бюрони истаган ҳар бир одам олдиндан ёзилиш асосида томоша қилиши мумкин.

Ҳаммаси пўлат бўлакларга нақш туширилишдан бошланади. Айнан бу нақшларни туширишга ходимлар 10 йиллаб шогирдликка тушади. Бу нозик ишдан сўнг махсус қоғоз тайёрланади. Доллар дарахтдан тайёрланган оддий қоғозларга босиб чиқарилмайди. Оддий қоғозлар вақт ўтиши билан сарғайиб қолиши мумкин. Махсус қоғоз 25 фоиз зиғир ипи ва 75 фоиз пахтали ипдан тузилган бўлади.

Қоғоз ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи саккиз босқичдан иборат. Аввалига зиғир ва пахтадан иборат қоришма қайнатилади, сўнгра уни тозалаб, очартиришади. Кейин босим остида махсус ускунага туширилади ва муайян ҳароратда бироз юмшатилиб, бўтқасимон маҳсулот юзага келади.

Банкнотнинг ички қатламида ҳеч ким сохталаштира олмайдиган сувли белгилар туширилади. Қоғозни тайёрлаш давомида сўнгги йилларда муомаладаги банкнотларда мавжуд яна бир ҳимоя белгилари тикилади.

Шундан сўнг қоғоз махсус ускуна ёрдамида зичланади ва уларни 2,5 метрли рулонга ўралади. Оғирлиги 4 тоннадан ошадиган биргина рулондан 3,5 миллиард дона 100 долларлик пул ишлаб чиқарилиши мумкин.

Пулни бўяшда қўлланиладиган бўёқлар аввалига қора рангда бўлган. Бироқ иккинчи Жаҳон уруши даврида бирданига катта миқдордаги пулларни ишлаб чиқаришга тўғри келади ва бюуртма кўпайиб кетгач, ёрдамга Нью Йоркдаги босма корхона "American Bank Note Co." компанияси келади. Уларга асосан 5,10 ва 20 долларлик майда пулларни катта ҳажмдан ишлаб чиқариш вазифаси юклатилганди. Босма корхона мутахассислари омборхонадаги ранглар ва бюуртмага зарур рангларни ҳисоблаб чиққач, омборхонада энг кўп яшил бўёқ борлигини аниқлайди. Иш тўхтаб

## АҚШ ДОЛЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?



қолмаслиги учун нархи ҳам нисбатан арзон ҳисобланган яшил бўёқдан фойдалана бошлашади.

Қоғоз бўялгач, 72 соат давомида қуритилади. Сўнгра чуқурлаштирилган нашрининг навбати келади. Ҳар куни бу босма хонада 1,3 тонна уч хил рангдаги бўёқлар, шунингдек газета форматидаги 10 минг дона қоғоз ишлатилади. Бюродаги 24 та босма ускунаси кунига тахминан турли номиналдаги 35 миллионга умумий қиймати тахминан 650 миллион АҚШ доллари га тенг пулларни ишлаб чиқаради. Йилига ишлаб чиқариладиган пулларнинг 95 фоизи эскирган пулларни алмаштириш учун фойдаланилади.

Муомалага чиқарилишидан аввал яхшилаб қуритилган пуллар нуқсонлардан текширилади. Бузилган долларни топиш унинг сохтасини излаб топишдан-да муҳим. Ҳар бир саҳифани текшириш учун бир неча сония кифоя. Ундан сўнг рақам қўйилади.

Синовдан ўтмаган банкнотлар йўқотилади, бироқ баъзан уларни эсдалик сифатида сотувга қўйишади ва ўз нархига нисбатан қимматроқ нархга сотишади. Тартиб рақами қўйилгач, партия номери ва номинал қўйилади. Ҳар бир банкнотни кўриб, қачон, қаерда ишлаб чиқарилганини билса бўлади, уларнинг ҳеч бири бошқасини такрорламайди.

Пул ишлаб чиқариш ҳуқуқига Федерал захира тизими аъзолари ҳисобланмиш 12 та банк эга. АҚШ ҳудуди илгари 12 та ҳудуд (округ) га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз Федерал захира тизими ўз тартиб рақами ва ҳарfli белгиларига эга.

Ишнинг якуний қисмида саҳифалар қирқилади. Сўнгра ҳисобланади ва қадоқланади. Улар Федерал захира банкига жўнатилади, у ердан эса АҚШ, Европа ва бошқа мамлакатларнинг банкларига тарқатилади.

**Энди эса Америка валютаси ҳақида айрим қизиқарли маълумотларга тўхталаск.**

2013 йилда АҚШнинг нақш ва босма Бюроси томонидан 6,6 миллиард дона банкнот ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар бир банкнотнинг нархи номиналнинг қанчалигидан ташқари атиги 10 центни ташкил этади. Солиштириш учун: 1 центлик танганинг қиймати 7 центга тенг.

Сўнгги йилларда барча долларли банкнотлар номиналидан ташқари бир хил ҳажм (6,14 га

2,61 дюйм) га эга. Банкнот ишлатишга нолойиқ даражада эскириб кетиши учун уни 4 минг марта букишга тўғри келади. АҚШ Федерал захира тизими берган маълумотга кўра, 1 долларлик банкнотнинг хизмат қилиш муддати тахминан 22 ойга тенг. 5 долларликлар 24 ой "яшаса", 10 долларликлар 18, 20 долларликлар 25, 50 доллар 55 ой хизмат қилади. 100 долларлик банкнотлар "энг узок умр кўрувчилар" сирасига кириб, 60 ой фойдаланиш мумкин бўлади.

АҚШ Молия вазирлиги маълумоти га кўра, ҳозирда ишлаб чиқарилган банкнот ва тангаларнинг 99 фоизи эркин муомалада айланиб юрибди. 1995 йилдан 2005 йилга қадар муомаладаги долларлар ҳажми 89 фоиз ошган бўлиб, 758,8 миллиард АҚШ доллари етган.

Энди эса, Федерал захира банки банкнотлари ҳақида қисқача тўхталаск.

Бир АҚШ доллари – номинал бўйича энг кичик АҚШ федерал захира чиптаси ҳисобланади. Банкнотнинг юза қисмида биринчи президент Жорж Вашингтоннинг сурати акс эттирилган бўлиб, иккинчи томонида АҚШ Катта нашрининг икки томони туширилган.

1 долларлик банкнотдаги кўринишнинг замонавий дизайни 1935 йилдаёқ Франклин Рузвельт томонидан тасдиқланган. Бу кўриниш (айрим жузъий ўзгартиришларни ҳисобга олмаганда) деярли ўзгармаган.


Икки долларлик бу – номинал бўйича иккинчи АҚШ федерал захира чиптаси саналади. Юза томонида Томас Жефферсон сурати туширилган бўлиб, тескари томонида Жон Тамбулнинг "Мустақиллик декларацияси" мавзуга бағишланган асари акс эттирилган.

Купюрани ишлаб чиқариш 1966 йилда тўхтатилган, бироқ 10 йилдан сўнг АҚШ мустақиллигининг 200 йиллигида ишлаб чиқариш қайта тикланди. Ҳозирги пайтда унинг янглири деярли чиқарилмаяпти. Демак, ундан камданкам фойдаланиб келишмоқда.

100 АҚШ доллари – номинал бўйича АҚШ федерал захира чиптасининг энг йиригидир. Бугунги кунда муомалада 1996-2009 йиллардаги пуллар қўлланилмоқда. Юза қисмида Бенжамин Франклин, иккинчи томонида АҚШ Конституцияси ва Мустақиллик декларацияси қабул қилинган бино – Индепенденс-холл тасвири туширилган.

"Яндекс" ҳажман катта бўлмаган маҳсулотларни ўз эгаларига етказишнинг янгича усулини жорий этди, яъни бунинг учун роботдан жўнатма ташувчи сифатида фойдаланиш ишларини синов тариқасида бошлаб юборди. Бу мустақил ускуна тахминан ярим метрлик узунликка эга бўлиб, шаҳардаги йўл четларида пиёда тезлигида ҳаракатланишга қодир. Ойда юрвчи қурилма билан ўхшаш жиҳатлари борлиги боис "Яндекс.Ровер" номи берилди.

## "ЯНДЕКС" РОБОТ ТАШУВЧИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ



Компания матбуот хабарномасида ёзилишича, илк роботларнинг бир нечаси ўз ишини бошлаб юборган. Улар ҳужжатларни кўлга олиб, "Яндекс"нинг бош идораси эшигидан Москвадаги бошқа бўлинмаларига қатновчи автобусга қадар боришмоқда. Аслида роботлар мустақил равишда ҳаракатлана олса-да, синов даврида уларни масофадан туриб оператор муттасил кузатиб турибди. "Ровер" атрофдаги объектларни ажрата олади, йўл маршрутини режалаштиради, тўсиқларни айланиб ўта олади, пиёда ва ҳайвонларни ўтказиб юборади. У бу хатти-ҳаракатларни хаттоки қоронги тунда ҳам амалга ошира оладиган махсус техника билан жиҳозланган.

– "Ровер" ташкил этилаётганда биз пилотсиз бошқариш соҳасида ихтиро қилган ишланмалардан фойдаландик, – дейди "Яндекс"да пилотсиз автомобиллар йўналиши раҳбари Дмитрий Полищук. – Биз мавжуд технологияларни янги вазифаларда қўлладик ва янги тизимли дастурларни ишлаб чиқдик. Ишончим комил, яқин келажакда бундай турдаги роботлар қўллаб жойларда қўлланилади. Масалан, улар логистика соҳасида "сўнгги масофа" босқичида самарали қўлланилиши мумкин.

Келажакда "Ровер" "Яндекс"нинг экотизимида жуда қўл келиши мумкин. Масалан, уларни "Яндекс.Таом" ва "Яндекс.Бозор" иловаси учун, шунингдек бошқа турдаги интернет дўконлардан маҳсулот етказиб бериш мақсадида ишлатса бўлади. Синовлар якунига етгач, "Яндекс" уларни бошқа компанияларга тақдир этиш имкониятини кўриб чиқиш ниятида.









1C<sup>®</sup>  
ФРАНЧАЙЗИ

## ТАРАҚҚИЁТНИ МОЛИЯЛАШТИРИНГ



-  1 С дастурий маҳсулотлар учун тўлиқ хизмат турлари
-  Молиявий ва бошқарув ҳисоботларини автоматлаштириш
-  Мукамал лойиҳа ечимлари ва уларнинг тадбиқ этилиши
-  Дастурий таъминотни эксплуатациясида мижознинг иштироки

**БИЗНЕСИНГИЗНИ БУГУНДАН  
АВТОМАТЛАШТИРИНГ**

**Алоқа учун:  
+998 99 858 99 79, +998 95 194 91 99**

### ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агент-

лигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

#### ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- Қорақалпоғистон Республикаси  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Хоразм вилояти  
**“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)**  
 Бухоро вилояти  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Жиззах вилояти  
**“МАТБУОТ TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)**  
 Навоий вилояти  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)**  
 Қашқадарё вилояти  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)**  
 Наманган вилояти  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)**  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)**  
 Сирдарё вилояти  
**“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)**  
 Сурхондарё вилояти  
**“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)**  
 Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти  
**“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)**  
**“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)**  
**“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)**  
**“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)**  
 Самарқанд вилояти  
**“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)**  
 Фарғона вилояти  
**“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)**  
**“САЙЁР 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)**

#### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича  
муурожаат учун

Тел.:  
(998) 97 776 60 18  
71 234 43 18  
Факс:  
(998) 71-234-43-18.  
E-mail:  
[info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)

ОБУНА  
ИНДЕКСИ-102



## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун

Тел: 99897 776 60 18

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги  
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: [bankakhborotnomasi@mail.ru](mailto:bankakhborotnomasi@mail.ru),

[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) телеграм каналимиз

@bank\_akhborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”

МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида  
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 1103

Адади 1710 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 13.11.2019 й.

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.